

ШЕРМУХАМЕДОВ Комилжон
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
катта ўқитувчиси
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
shermuhamedov@mail.ru

XXI АСР БОШИДА ЯҚИН ШАРҚДАГИ ИЖТИМОЙ- СИЁСИЙ ВАЗИЯТНИНГ КЕСКИНЛАШУВИ (МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)

ОБОСТРЕНИЕ СОЦИАЛЬНО- ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ НА БЛИЖНЕМ ВОСТОКЕ В НАЧАЛЕ XXI ВЕКА (НА ПРИМЕРЕ АРАБСКОЙ РЕСПУБЛИКИ ЕГИПЕТ)

EXACERBATION OF THE SOCIO-POLITICAL SITUATION IN THE MIDDLE EAST AT THE BEGINNING OF THE XXI CENTURY (BY THE EXAMPLE OF THE ARAB REPUBLIC OF EGYPT)

Аннотация: Мақолада “Араб баҳори” номи остида Яқин Шарқ мамлакатларида муҳолиф кучлар томонидан бир қанча давлатларнинг иқтисодий қувватини издан чиқариб, унинг натижасида қонуний ҳукуматни ағдаришга қаратилган оммавий қўзғолонлар Миср Араб Республикаси мисолида очиб берилган. Унда “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг сиёсий қаноти ҳисобланган “Адолат ва озодлик партияси” раҳбари Муҳаммад Мурсий орқали ҳокимият тепасига келиши ва ҳокимиятдаги узоқ чўзилмаган фаолияти таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Яқин Шарқ, Миср Араб Республикаси, “Араб баҳори”, “Мусулмон биродарлар”, “Адолат ва озодлик партияси”, Хусни Мубарак, Муҳаммад Мурсий, президент сайловлари, оммавий норозиликлар

Аннотация: В статье на примере Арабской Республики Египет описываются массовые протестные выступления оппозиционных сил

в странах Ближнего Востока, известные как «Арабская весна», которые были направлены на подрыв экономической мощи ряда стран региона, в результате чего произошли массовые беспорядки, направленные на свержение законной власти. Анализируется приход к власти Мухаммада Мурси, лидера Партии справедливости и свободы, которая считается политическим крылом «Братьев-мусульман», и его недолгая деятельность во власти.

Ключевые слова: Ближний Восток, Арабская Республика Египет, «Арабская весна», «Братья-мусульмане», «Партия справедливости и свободы», Хосни Мубарак, Мухаммед Мурси, президентские выборы, массовые протесты.

Annotation: The article discusses the features of the state form, depending on the historical development related to Islamic law and national mentality, which develop humane legal relations between the state and religion. The article also analyzes the coordination of relations between state bodies and religious organizations, as well as the mechanism for implementing legislation on freedom of conscience and religious organizations.

Keywords: The Middle East, Arab Republic of Egypt, Arab Spring, Muslim Brotherhood, Justice and Freedom Party, Hosni Mubarak, Mohammed Morsi, presidential elections, mass protests.

КИРИШ

XX аср охири XXI аср бошига келиб, Яқин Шарқ минтақаси мамлакатларида янгича геосиёсий манзара вужудга келди. 2010 йил декабрь ойида араб мамлакатларида бошланган инқилобий намоиш ва норозилик ҳаракатлари тез орада Тунис, Миср, Ливия, Баҳрайн, Сурия, Яман, Иордания, Жазоир ва бошқа давлатларни қамраб олди. Бу намоишлар манбаларда “Араб баҳори”, “Араб уйғониши”, “Панараб инқилоби”, “Араб қўзғолони” каби турли номлар билан аталди. “Араб баҳори” деб 2011 йилда Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида шиддатли тарзда юз берган сиёсий ўзгаришлар йиғиндисида айтиш мумкин. Бу жараёнларни таҳлил қилиб, ўша давлатларда содир бўлган воқеликлар билан боғласак, бу мавжуд тузумларга қаршилик ҳаракати эди.

АСОСИЙ ҚИСМ

2010-2011 йилларда араб мамлакатларида бўлиб ўтган инқилобларнинг ижтимоий-

иктисодий сабаблари ғарб матбуотида гўёки, қашшоқлик, тенгсизлик, коррупция ва ишсизлик деб бонг урилди. Лекин Миср Араб Республикаси мисолида иктисодий ўсиш кўрсаткичларига назар ташлайдиган бўлсак, 1981-2011 йиллардаги Президент Хусни Муборак (1928-2020) даврида 4,5 борабарга ўсиб, динамик тарзда ривожланиб борган, айниқса, 2004 йилда бошланган иктисодий ислохотлардан сўнг суръат янада юқори бўлган [1:26].

Мамлакатдаги коррупция даражаси ҳам бошқа ривожланган давлатлар қаторида кўриб чиқилмаган бўлса, жуда юқори эканига гувоҳ бўламиз. Лекин ҳамма давлатлар билан умумлаштириб қараб чиқилса, Миср коррупциялашув даражасига кўра, дунёда 80-ўринни эгаллаган эди.

Ишсизлик масаласи билан боғлайдиган бўлсак, Мисрда 1990-2010 йиллар давомида 8-12 % оралиғида ўзгариб турган. Бироқ 2000 йилларнинг ўрталарида иктисодий ислохотлар бошланганидан сўнг, у барқарорлик билан пасая бошлаган. Қиёслаш учун АҚШда бу кўрсаткич 10 %га яқин, Францияда 10%, Испанияда 20 %ни ташкил этган [1:27-28]. Демак, инқилобдан олдин Мисрда ишсизлик ҳам паст бўлган, деб ҳисоблаб бўлмайди.

Иктисодий тенгсизлик ҳам ҳалокат ёқасида бўлмаган. БМТнинг инсон ривожланиши бўйича тараққиёт дастурининг 2010 йилги ҳисоботида қараганда, иктисодий тенгсизлик бўйича Миср 145 мамлакат ичида 120-ўринни эгаллаган [2:152]. Шу боис, Мисрда содир бўлган инқилобнинг асосий сабабларидан деб кўрсатилган қашшоқлик, тенгсизлик, коррупция ва ишсизлик масалаларининг ҳаммаси бирдек тўғри келмайди.

Маълумотларга кўра, 2012 йил январь ҳолатига кўра, “Араб баҳори”

75 миллиард АҚШ доллари миқдорида молиявий зарар келтирган. Бунда манфаатдор ташқи кучлар томонидан кишилар ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий-иктисодий қийинчиликларда ҳукуматни айблаб, турли намоишлар, қўзғолонлар ўтказилишини таъминлашга эришган. Оқибатда, халқ ва ҳукумат ўртасида келишмовчилик юз бериб, мамлакатларда ички урушлар авж олишига сабаб бўлди.

2011 йил 25 январда Мисрда оммавий норозиликлар бошланди. Пойтахт Қоҳира ва бошқа шаҳарларда ўн минглаб намоишчилар иктисодий вазиятни яхшилаш ҳамда сиёсий эркинликлар берилишини талаб қилди. Бунинг натижасида мамлакатда тартибсизликлар кўлами тобора кенгая борди. Президент Хусни Муборак ҳукуматни алмаштирди, лекин намоишчилар тинчимади. Улар 30 йил мобайнида узлуксиз ҳукмронлик қилиб келган президентнинг истеъфосини талаб қилдилар. 11 февралда Президент Хусни Муборак ўз ваколатларини Мисрнинг вице-президенти этиб тайинланган Умар Сулаймонга топшириб, истеъфога чиқди. Мамлакат парламенти ҳам тарқатиб юборилди ва қарийб бир йил давомида бошқарув Куролли кучлар Олий кенгаши ихтиёрига ўтди.

Президент Хусни Муборакнинг истеъфоси билан яқунланган норозилик намоишларида мамлакатдаги радикал кучлар асосий саҳнага чиқмади. Лекин Мисрнинг янги тарихида “25 январь инқилоби” ёки “Араб баҳори” номи билан ўрин эгаллаган оммавий ҳаракат мамлакатдаги экстремистик ва террорчи ташкилотларнинг жонланишига сабаб бўлди. Улар орасида узоқ йиллардан бери мамлакат хавфсизлигига таҳдид солиб келган ва ноқонуний равишда фаолият юритиб келган деструктив уюшмалар ҳам бор эди.

Шунингдек, Мисрдаги намоишларда 2008 йилда Facebookда ташкил этилган “6 апрель ёшлар ҳаракати” ҳал қилувчи ролни ўйнади. Бунда улар ўзларига “Кифая” (Етар) каби даъватларни шиор қилиб олишган эди. Улар бир-бири билан интернет тармоқлари орқали алоқада бўлиб, қаерда ва қайси пайтда намоишларни ташкиллаштириш бўйича режалар тузиш ишларини олиб борганлар. Айнан улар мамлакатдаги беқарорликларни кучайишига туртки бўлган. Ижтимоий тармоқлар “Facebook”, “Twitter”, “Youtube” орқали аввал ўнлаб, кейин эса минглаб, миллионлаб одамларни бир фикр атрофида бирлаштириб, оммавий норозиликларни юзага келтиришган [3:88]. Интернетда ёшлар ҳаракатининг ташкил топиши ва ўзига хос жуда катта куч тўпланиши, бундан ташқари дунёнинг барча томонидан араб йўлдош каналлари орқали маҳоратли журналистлар,

нотикларнинг таъсирчан, ёрқин ранглардаги чорловлари, шунингдек, Тунисда жангларсиз жуда тез давлат тўнтариши амалга оширилгани Миср халқини ҳам кўзгатиб юборишга сабаб бўлди [4:121-122].

1928 йилда Мисрда юзага келган “Мусулмон биродарлар” ҳаракатининг “Араб баҳори”даги мавқеини таҳлил қиладиган бўлсак, улар вазиятни кузатган ҳолда жуда эҳтиёткорлик билан иш тутганликларига гувоҳ бўлиш мумкин. Айрим тадқиқотларда эса “2011 йили “Араб баҳори” номини олган ижтимоий бўҳронларда айнан “Мусулмон биродарлар” ташкилоти мафқураси етакчилик қилгани” [5:105] каби қарашлар ҳам учрайди.

Бизнинг фикримизча, “Мусулмон биродарлар” фавқуллода юзага келган ушбу вазиятда бундай чиқишлар учун уларнинг анъанасига айланган “Ислом – бу ечимдир” шиори иш бермаслигини жуда яхши билган эдилар. Чунки намоёишларда қатнашган кишилар орасида нафақат мусулмонлар, балки бошқа дин вакиллари ҳам бор эди. Агар “Мусулмон биродарлар” ҳаракати намоёишларда ўз шиори остида иш кўрсалар, бунда аҳоли орасида норозиликлар пайдо бўлиши мумкинлиги ва мамлакатда юзага келган бундай тартибсизликларда “Мусулмон биродарлар”нинг ҳам қўли борлиги намоён бўлар эди. Бу вақтга келиб, мамлакатда кўп партиявийлик тузум ҳукм сурган ҳолда сиёсий партиялар майдалашиб, халқ орасида уларнинг роли пасайиб кетганди. Ёзилмаган қонун бор: қайси давлатда сиёсий партиялар заиф бўлса, диний омил кучаяди. Айнан шу омилдан “Мусулмон биродарлар” жуда усталлик билан фойдаланиб қолди [6:11]. Шунингдек, мамлакатнинг турли шаҳарларидаги қамоқхоналардан “Мусулмон биродарлар” ҳаракатининг кўплаб аъзолари озод қилинишининг ўзи маълум бир маънода улар фойдасига ҳал бўлди, дейиш мумкин.

“Араб баҳори” натижасига кўра, “Ислом – бу ечимдир” деган доктринани илгари сурадиган “Мусулмон биродарлар” ўз концепциясини ўзгартириб, “Адолат ҳар нарсасига мезон” шиорини илгари сурди. Мисрдаги сиёсий ўзгаришлар дунё амалиётида ҳали кузатилмаган “исломчилик” ва демократия қоришмасини вужудга келтирди. “Исломчилик” бу барча

секуляр сиёсий тизимлар, ижтимоий-сиёсий дастурлар ва мафқураларга қарши турувчи куч эканлигини инобатга олсак, демократиянинг бу ҳодиса билан қўшилиб бир бутунликни намоёиш этиши янгилик ҳисобланади [3:82].

2011 йил 25 январда Мисрда бошланган норозилик намоёишлари натижасида, мазкур мамлакатда миллатлараро ва турли конфессиялараро ўртасида низолар, тартибсизликлар келиб чиқишига ҳам сабаб бўлди. Бундай таҳдид эса 80 миллиондан ошқ аҳолининг 10 %ни христианлар ташкил қилган Миср мамлакати учун янги муаммоларни келтириб чиқарди.

Ўша вақтда кўплаб мутахассислар томонидан Мисрда ўтиш даври кечаётгани, сиёсий беқарорлик вужудга келиши мумкинлиги, ҳокимият учун кураш бошланиши муқаррар экани ва бундай шароитда мамлакатдаги ноқонуний равишда фаолият юритиб келаётган радикал кучларнинг таҳдиди тез-тез тилга олинди. Бунга жавобан, 2011 йил 14 февралда “Мусулмон биродарлар” раҳбарининг ўринбосари Абдул Мунийм Абдул Футуҳ, “Биз – ислом ҳаракатимиз, биз сиёсий майдонга чиқмоқчи эмасмиз. Шунингдек, биз ўтиш даври ва кейинчалик бўладиган президент сайловларига ҳам ўз номзодларимизни қўймаймиз” [7] – дея таъкидлаган эди. Лекин шу вақтга қадар ҳокимиятга интилиб келган “Мусулмон биродарлар”нинг ўша вақтдаги баёноти албатта таажжубланарли эди.

Ҳаттоки, бу фикрга машҳур исломшунос олим Александр Игнатенко: “Ҳозирда янги ҳукуматдан мамлакатда юзага келган жуда қийин муаммоларини ечиш талаб қилинади. Лекин “Мусулмон биродарлар” каби ҳаракатларда бу масалаларни ҳал қилиш учун имконият ҳам, тажриба ҳам етишмайди. Агар бу инкироздан чиқишни бўлажак ҳукумат раҳбарлари ҳам ҳал қила олишмаса, шундагина “Мусулмон биродарлар” ҳаракати ҳукумат тепасига келишга интилишлари мумкин”, [8] дея изоҳ берган эди.

Воқеалар ривожини эса бунинг аксини кўрсатди. Александр Игнатенко айтганидек, “Мусулмон биродарлар” ҳаракати Хусни Муборакдан кейин келадиган ҳукуматни кутиб ўтирмай, 2012 йил 23-24 май кунлари бўлиб ўтган дастлабки президентлик сайловидаёқ

Ўз вакилларининг номзодларини тақдим этишди. Жумладан, “Мусулмон биродарлар” мамлакат президентлигига номзод сифатида ташкилотнинг бош раҳбари ўринбосари Хайрат аш-Шатир ва ҳаракатнинг қаноти ҳисобланган 2011 йилда тузилган “Адолат ва озодлик партияси” раҳбари Муҳаммад Мурсий (1951-2019)ни тавсия этдилар.

Бу вақтга келиб, “Мусулмон биродарлар” уюшмаси жуда фаоллашди. 2011 йил ноябрь ойида мамлакат парламентининг қуйи палатаси сайлов натижаларига кўра, 47% ўринни “Мусулмон биродарлар” сиёсий қаноти сифатида 2011 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилган “Адолат ва озодлик партияси”, 24% ўринни “салафийлар” вакилларида иборат “Нур” партияси вакиллари эгаллагани ва улар парламентда аксарият қисмини ташкил этиши ҳам бундай кучларни Мисрнинг кейинги ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнашидан далолат берарди [9]. 2012 йил Парламентнинг иккала палатасига “Мусулмон биродарлар” вакиллари Саъд ал-Кататний ва Аҳмад Фаҳмийлар спикер этиб сайландилар [10]. Натижада “Мусулмон биродарлар” уюшмаси ҳукуматга даъвогарлик қиладиган асосий куч сифатида намоён бўлди.

Шунингдек, “Мусулмон биродарлар”ни сиёсат қизиқтирмайди, дея баёнот берган Абдул Мунийм Абдул Футуҳнинг ўзи ҳам бевосита президентлик сайловида номзод сифатида иштирок этди. У Қоҳира марказидаги Озодлик майдонида содир этилган норозилик намоишларини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган. Мамлакат президентлиги сайловига номзод сифатида 13 киши рўйхатга киритилди. Улар орасидан мамлакатнинг собиқ бош вазири Аҳмад Шафиқ, Араб давлатлари лигасининг собиқ раҳбари Амр Мусо, Атом энергияси бўйича халқаро ваколатхона (МАГАТЕ)нинг собиқ бош директори Муҳаммад Барадей каби машҳур шахслар ҳам ўрин олишди.

2012 йил 23-24 май кунлари бўлиб ўтган сайлов натижаларидан маълум бўлдики, кейинги босқичга “Мусулмон биродарлар”нинг манфаатига хизмат қиладиган “Адолат ва озодлик партияси” раҳбари Муҳаммад Мурсий (5,764,952 овоз, 24,78%) ва мамлакатнинг собиқ бош вазири Аҳмад Шафиқ (5,505,327 овоз, 23,66%) йўл олишди [11].

Сайловнинг иккинчи босқичи 2012 йил 16-17 июнь кунлари ўтказилди. 24 июнда “Мусулмон биродарлар” ташкилотнинг сиёсий қаноти ҳисобланган “Адолат ва озодлик партияси” ғолиб чиққани маълум бўлди. 30 июнда иннаугурация ўтказилиб, Муҳаммад Мурсий Миср Президенти этиб сайланди.

Президент этиб сайлангандан сўнг, ўзининг илк баёнотида, у нафақат “Мусулмон биродарлар” ҳаракати, балки мамлакатдаги барча мисрликлар учун президент эканини таъкидлаб, ташкилотни тарқ этди. У ўз фаолияти давомида биринчи навбатда президентнинг мутлоқ ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, суд ҳокимиятини бўйсундиришга уринди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, “Араб баҳори”нинг содир бўлишида Хусни Муборак давридаги иқтисодий турғунликнинг инқирозлари асосий сабаб қилиб келтирилган эди. Лекин ҳокимият тепасига келган янги ҳукумат аъзолари ҳам 2004 йил июль ойида қабул қилинган либерал ислохотлар асосида иш олиб боришни маъқул кўрдилар. Чунки мамлакатда жорий қилинган янги ислохотлар туфайли охириги йилларда иқтисодий ўсиш тезлашиб борган эди. Бу эса, ҳокимиятдан четлатилган Хусни Муборак олиб борган иқтисодий сиёсат тўғрилигидан далолат берарди.

Муҳаммад Мурсий даврида “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг фаолияти қонуний тус олди. Мамлакатдаги диний ташкилотларда “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг назорати ўрнатилди.

2012 йил 30 ноябрда мамлакатда шарият аҳкомлари қонунчилиқнинг асосий манбаи экани таъкидланиб, янги конституция қабул қилиш бўйича декабрь ойи охирида референдум ўтказилди ҳамда кўпчилиқнинг норозилигига қарамай, Президент Муҳаммад Мурсий уни тасдиқлади. Бу “Мусулмон биродарлар” ва “салафийлар”га қарши кўп сонли сўл ва либерал муҳолифатнинг бирлашишига олиб келди [3:81]. Мурсий томонидан олиб борилган сиёсат аста-секин унга қарши бўлган муҳолифатнинг кескинлашувига сабаб бўлди. Натижада “Мусулмон биродарлар” таъсири остида кечган бошқарув муваффақиятсизликка учради.

2012 йил декабридан бошлаб, Миср халқининг Мурсий сиёсатида қарши норозилик

чикишлари тўхтовсиз давом этди. Аслида Мисрнинг йирик шаҳарларининг аҳолиси ҳамда ҳарбийлар унга овоз бермаган эди. Мисрда доимо ҳарбийлар энг уюшган ва энг зиёли табақа бўлиб ҳисобланган. Уларнинг кўпчилиги АҚШ, Англия, Франция ва собиқ СССРда ўқишган. Шундай фикр борки, ҳарбийлар Муҳаммад Мурсий президент сайловда ғолиб чиққан кунгидек ҳокимиятни унга бермасликлари, ўз қўлларида сақлаб қолишлари мумкин эди. Аммо бу ҳолат ҳарбий тўнтариш деб қабул қилинар ва халқаро ҳамжамиятнинг бунга муносабати ҳам салбий тус олар эди.

2013 йил 30 июнда Мурсий президент бўлиб сайланганига бир йил ўтиб, у мазкур санани тантанали нишонламоқчи эди. Ваҳоланки, бу пайтда унга қарши норозилик чиқишлари авж олган, “Тамарруд” (Исён) деб ном олган ёшлар ташкилоти унинг истеъфосини талаб қилиб, 4 кун ичида 22,5 млн. имзо тўплаган эди [12].

30 июнь куни Қоҳира, Искандария ва бошқа шаҳарларда миллионлаб кишилар Мурсийнинг истеъфосини талаб қилдилар, “Мусулмон биродарлар”нинг филиалларидаги идораларига ҳужумлар уюштирдилар. Бунда Миср хавфсизлик кучлари “Тамарруд” оппозицион ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, давлат тўнтаришини амалга оширишга имкон берган эдилар.

2013 йил 1 июль куни ҳарбий раҳбариятнинг номидан Мудофаа вазири Абдулфаттоҳ ас-Сиси Президент Муҳаммад Мурсийдан икки кун ичида мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишни талаб қилди. Президент Мурсий бу талабни бажармагач, 3 июль куни армия ҳокимиятни ўз қўлига олди ва “Мусулмон биродарлар” вакиллари ҳокимиятдан четлаштирди [13].

Мамлакатда ўша вақтда кечаётган вазият армия ва полицияни экстремизм ва терроризмга қарши курашга сафарбар этишни тақозо қиларди. Бунда миллионлаб мисрликлар мамлакатнинг қуролли кучларига ишонч билдирдилар. 26 июль куни мамлакат прокуратураси томонидан ўтказилган тергов доирасида Мурсий расмий равишда ҳибсга олинди. Унга Фаластиннинг “Ҳамас” ташкилоти билан ҳамкорлик қилиш, мамлакатда тажовузкор ҳаракатларни амалга ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакилларига ҳужум уюштириш каби айбловлар қўйилди.

Шу билан бирга, Мисрнинг қуйи синфларида “Мусулмон биродарлар”нинг тарафдорлари ҳокимиятдан ағдарилган Президентнинг қайтишини талаб қилиб, намоийшчилар лагерларини ташкил қилдилар. Бу эса, мамлакатнинг қуйи табақалари орасида “Мусулмон биродарлар”нинг машхурлигидан далолат берарди.

Намоийшчилар ва муваққат ҳукумат олти ҳафта давомида қарама-қаршиликда бўлишди, ички ва ташқи кучлар мижаронинг барча томонларини демократик йўл билан ҳал этишга чақирди. Янги ҳукумат лагерларни тарқатиб юбориш билан таҳдид қилди [14]. Мижарони Форс кўрфазидagi араб давлатлари, Европа Иттифоқи, АҚШнинг савий-ҳаракатлари билан ҳал этишга қаратилган ташаббуслари давлат ҳокимияти органлари олдида ижобий натижа бермади. Махсус разведка органлари ёрдамида олиб борилган кузатувлар натижасида “Мусулмон биродарлар”га тегишли бўлган бир қанча молиявий манбалар йўқ қилинди.

Шу ўринда Мурсийнинг бир йиллик фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин? Бундан олдинги Туркия ва Жазоирда юз берган воқеалар бошқачароқ тусда такрорланди, холос. “Мусулмон биродарлар” ўз монополиясини ўрнатди, Муҳаммад Мурсий эса ўтқир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қила олмади. Унга қарши чиққанлар Мурсийни асосан сайловолди ваъдаларни бажармагани ва мамлакатни бошқаришни эплай олмаганида айблади.

2013 йил 24 декабрда Миср ҳукумати “Мусулмон биродарлар”ни террористик ташкилот таркибига киритиш тўғрисидаги қарорини эълон қилди. Бунда “Мусулмон биродарлар” фаолиятида иштирок этган, молиявий қўллаб-қувватлаган ёки уларнинг ғояларини тарғиб қилган ҳар қандай кишига нисбатан қонун доирасида кескин чоралар қўлланиши маълум қилинди [15].

Ҳукуматнинг “Мусулмон биродарлар” тўғрисидаги қарори кейинчалик мамлакатдаги сиёсий ўтиш, хавфсизлик ва минтақавий вазиятга таъсир қилди. Шунга қарамай, баъзи таҳлилчилар ушбу қарор “Мусулмон биродарлар”нинг сиёсий саҳнага қайтиш йўлини бутунлай тўсиб қўйиши, бунинг оқибатида ҳукумат ўртасидаги зиддият янада кучайишини билдирдилар. Шунингдек,

“Мусулмон биродарлар” Туркия, Қатар, Тунис, Ливия, Сурия ва бошқа кўплаб араб мамлакатларида жуда кучли таъсирга эга бўлгани учун уларни террористик ташкилотлар рўйхатида киритилишида мазкур давлатларда ҳам норозилик ҳаракатлари кузатилди.

Бунинг натижасида “Мусулмон биродарлар”нинг кўплаб тарафдорлари ҳибсга олинди. Одатда бундай ҳаракатларни ҳарбий тўнтариш деб баҳолашади. Аммо Мисрда 2013 йил 3 июлда бошланган жараёни кенг халқ оммаси Мурсий авторитаризми ва унинг мамлакат ижтимоий ҳаётини тўлиқ “исломлаштириш”га қарши чиқишининг армия томонидан қувватланиши деб қаралди. Амалда ҳарбийлар Мисрда юз бериши мумкин бўлган конли фуқаролик урушининг олдини олган эдилар [6:12].

2013 йилда “Намоишлар тўғрисида”ги янги Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжат Миср Ички ишлар вазирлигига намоишларни тақиқлаш ҳуқуқини берди. Ички ишлар вазири ва унинг ҳудудлардаги вакиллари, жамоат хавфсизлигига таҳдид хавфи туғилган тақдирда тадбирни тақиқлаш, уни ўтказиш жойи ва вақтини ўзгартириш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилди.

ХУЛОСА

Умуман олганда, “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг ҳокимият тепасидаги фаолияти узоққа бормаслиги маълум эди. “Араб баҳори” натижасида Ироқ, Сурия ва Яман сингари мамлакатларда ҳамон давом этаётган можаролардан хулоса чиқарган мисрликлар учун катта сабоқ бўлди. Бугунги кунда Миср Араб Республикасидаги янги ҳокимиятнинг асосий эътибори маҳаллий реакцион ҳамда халқаро террорчилик гуруҳларига қарши курашга қаратилди. Миср ҳукуматининг бундай радикал кучларга нисбатан эгаллаган қатъий мавқеи мамлакат аҳолисининг кўпчилик қисми томонидан қўллаб-қувватланди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Коротаяев А.В., Зинькина Ю.В. Египетская революция 2011 г. Структурно-демографический анализ. “Полис”. Экстрате́кт. 2011. Выпуск 1.
2. The Real Wealth of Nations: Pathways to Human Development. Human Development Report 2010. 20th Anniversary Edition / Ed. By J. Klugman. – New York, NY: The UNDP Human Development Report Office/Palgrave Macmillan, 2010.
3. Мухаммадсидиков М.М. Араб мамлакатларида давлат ва дин муносабатлари. – Тошкент, 2019.
4. Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат / масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннахр, 2013.
5. Саифназаров И., Обидов А. Динлараро ҳамжиҳатлик – ижтимоий барқарорлик омили. – Тошкент: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2019.
6. Ҳасанов А. Мисрда “Ихвон муслимин”нинг ҳокимият тепасига келиши ва қулаши // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларнинг ўрганишнинг долзарб муаммолари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги микёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТошДШИ, 2015.
7. Абдель Моне́йм Абуль Футуҳ: «Братьев-мусульман» политика не интересует. /Источник Российская газета, 14.02.2011. <http://i-r-p.ru/page/stream-document/index-27200.html>
8. Игнатенко А.: Приход к власти в Египте исламистов – маловероятен. <http://i-r-p.ru/page/stream-event/index-27170.html>
9. Левнер Д.М. Результаты парламентских выборов в Египте и коптская община. <http://www.iimes.ru/rus/stat/2012/24-01-12b.htm>
10. Революция в Египте (2011) <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
11. Mursi, Shafiq officially in Egypt's presidential elections runoffs. <http://english.ahram.org.eg/NewsContent/36/122/43126/Presidential-elections-/Presidential-elections-news/BREAKING-Mursi-Shafiq-officially-in-Egypt's-presid.aspx>
12. Хроника переворота в Египте в 2013 году // <http://ria.ru/arab/eg/20130629/946572389.html>
13. Революция в Египте: военная перезагрузка. <http://ru.arab/eg/20130704/947487407.html>
14. Abigail Hauslohner. Scores dead in Egypt after security forces launch assault on protesters camp // Washington Post. – 14 avgust, 2013.
15. Ан-Нас ал-камил ли қарори мажлис ал-вузаро би иълони “ал-Ихван” жамаъа ирхабия // <https://gate.ahram.org.eg/News/435113.aspx>